



“ 28 ” 05 20 20 y. № 01-06/PP78

**Оммавий ахборот воситалари,  
Реклама тарқатувчи барча воситалар,  
Реклама агентликларига**

Мамлакатимизга ёз мавсуми келиши билан аҳолининг совуткичларга (кондиционер) бўлган талаби бир мунча ортиб боради. Ўз навбатида, ушбу жараёнда оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда совуткич (кондиционер) рекламаларини жойлаштириш ҳам жадаллашади.

Жумладан рекламаларда қайсидур бир бренд энг яхши ва сифатли эканлиги, унга бир неча йил кафолат берилиши, бепул етказиб берилиши ва бепул ўрнатиб берилиши юзасидан маълумотлар, акциялар тарқалади.

Ўз ўрнида реклама берувчи ва тарқатувчиларга истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузмаслик мақсадида, қуйидагиларга эътибор қаратишлар талаб этилади.

1. Ҳеч қандай ишончли маълумотлар бўлмаган ҳолда ёки бундай маълумотлар текширилмаган тақдирда, рекламадан фойдаланувчиларни чалғитиб қўядиган ва чалғитадиган қиёсий (таққослама) реклама тарқатиш ман этилади. Яъни реклама қилинаётган бренд, бошқа брендлардан энг арзон, тежамкор, кафолатли ва х.з. эканлиги кўрсатиб ўтиш.

2. Кафолат қайси ҳолатларда ёки қисмларга берилиши аниқ кўрсатиш.

3. Акция рекламасига қўйилган талабларга тўлиқ риоя этилиши (акция ташкилотчиси, уни ўтказиш коидалари ва муддатлари, бундай тадбир ҳақидаги ахборот манбаи, мукофотлар ёки ютуқлар миқдори, уларни олиш муддатлари, жойи ва тартиби)

4. Акция доирасида сотиб олинган маҳсулот:

- республиканинг қайси ҳудудларига бепул етказиб берилиши;
- қайси шартларда бепул ўрнатиб берилиши (қўп қаватли уй, бетон, кран талаб этилиши ва х.з.).

Мазкур ҳолатларни, яъни истеъмолчи учун энг керакли бўлган маълумотларни рекламаларда кўрсатмаслик рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган деб ҳисобланиб, легишли чора кўриш учун асос бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, реклама воситаларида бу каби рекламаларни тарқатишда Ўзбекистон Республикасининг реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига тўлиқ риоя қилишингиз сўралади.

Директор

Э.Хайтметов